

АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИДА ФАҚР КОНЦЕПТИНИНГ БАДИЙ ФУНКЦИЯСИГА ДОИР

Нодир Нормурадович РАМАЗОНОВ

PhD доктори, ўқитувчи

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, Ўзбекистон

О ПОЭТИЧЕСКОЙ ФУНКЦИИ КОНЦЕПТА ФАҚР В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИ

Нодир Нормурадович РАМАЗОНОВ

Доктор PhD, преподаватель

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

ON THE POETIC FUNCTION OF THE CONCEPT *FAQR* IN THE WORKS OF ALISHER NAVOI

Nodir Normurodovich RAMAZONOV

Doctor of PhD, Lecturer

Tashkent State Law University, Tashkent, Uzbekistan nodir_ramazonov@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 821.512.133

**For citation (иктибос келтириш учун,
для цитирования):**

Рамazonов Н. Н. Алишер Навоий
ижодида фақр концептиниң бадий
функциясига доир //Ўзбекистонда
хорижий тиллар. — 2020.—
No 1(30). — Б. 237–249.

<https://doi.org/10.36078/1586146430>

Received: December 20, 2019

Accepted: February 14, 2020

Published: February 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International
License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>

Аннотация. Ушбу мақолада фақр тушунчасининг Алишер Навоий ижодидаги бадий талкини масаласи бадий функционаллик нуктаи назаридан таҳлил қилинган. Қаҳрамонлар образи маънавий оламининг чуқурлашишида, уларнинг умуминсоний қирра касб этишида фақр тушунчасининг ўрни фактик материаллар воситасида очиқ берилган. Фақр тушунчасининг этимологияси ва ривожланиш тарихи кузатилган, фақрнинг диний ва тасаввуфий маъно-мазмунидаги ўзига хос жиҳатлар қайд этилган. Фақр тушунчасининг тасаввуфий ғоядан бадий образга айланиш тарихи кузатилган, фақр бадий ғояси ва фақир образининг Шарқ мумтоз адабиётида тутган ўрни таҳлил қилинган. Форсий ва туркий мумтоз адабиётдаги такомил динамикаси кузатилиб, салафлар ижодидаги фақир образининг мумтоз бадий образлар қаторидаги ўрни ва аҳамиятига доир фикрлар билдирилган. Фақр ғоясининг Алишер Навоий бадий ижодидаги ўрни қиёсий таҳлил этилиб, фақир образининг шоир асарларидаги ўрни ва аҳамияти унинг лирик мероси, эпик ва насрий асарлари кесимида бадий функционаллик нуктаи назаридан тадқиқ этилган ва фақир образи шоир ижодидаги марказий образлардан эканлиги далилланган.



Open Access

Бу ҳол айниқса Навоийнинг лирик меросида яққол намоён бўлиши қайд этилиб, фақир образининг подшоҳ, дунё ва зоҳид сингари образ ва тимсоллар билан қиёсий таҳлили амалга оширилган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий; лирика; тасаввуф тушунчалари; фақр; тасаввуф ва бадий адабиёт.

Аннотация. В статье интерпретация концепта *фақр* в творчестве Алишера Навои проанализирована с точки зрения поэтической функциональности. На основе фактического материала раскрыто место понятия *фақр* в обретении философской окраски, общечеловеческих черт духовного мира образов его героев. Рассмотрены этимология и история развития понятия *фақр*, отмечены особенности религиозного и мистического значения данного концепта. Наблюдается история развития понятия *фақр* от мистической идеи до художественного образа, анализируется значение концепта *фақр* как художественной идеи и роль образа *фақир* в классической литературе Востока. Отмечается, что в персидской и тюркоязычной классической литературе наблюдается совершенная динамика данного образа относительно его роли и значения в произведениях предшественников Навои как классического художественного образа. Роль концепта *фақр* в произведениях Алишера Навои и значение образа *фақира* в творчестве поэта анализируется в сравнительном аспекте на примере его лирического наследия, эпических и прозаических произведений с точки зрения художественной функциональности. Место и значение данного образа особенно заметно в лирическом наследии Навои и в нем можно провести сравнительный анализ образа *фақир* с изображениями таких образов и символов, как *падишах*, *мир*, и *отишельник (захид)*, что дает наиболее полное представление и роли и художественной функции суфийских концептов в творчестве поэта.

Ключевые слова: Алишер Навои; лирика; концепты суфизма; *фақр*; суфизм и художественная литература.

Abstract. In this article, the interpretation of the concept of *faqr* in the work of Alisher Navoi is analyzed from the point of view of poetic functionality. On the basis of the factual material, the place of the concept of *faqr* is revealed in the acquisition of the philosophical coloring of the spiritual world of lyrical images. The etymology and history of the development of the concept of *faqr* are considered, the features of the religious and mystical significance of this concept are noted. There is a history of the development of the concept of *faqr* from a mystical idea to an

artistic image, the significance of the *faqr* concept as an artistic idea and the role of the fakir image in the classical literature of the East are analyzed. It is noted that in the Persian and Turkish-language classical literature there is a perfect dynamics of this image regarding its role and significance in the works of the predecessors of Navoi as a classic artistic image. The role of the concept *faqr* in the works of Alisher Navoi and the importance of the image of the fakir in the poet's work is analyzed in a comparative aspect, on the example of his lyrical heritage, epic and prosaic works from the point of view of artistic functionality. The place and significance of this image is especially noticeable in the lyrical legacy of Navoi and a comparative analysis of the image of the fakir with images of such images and symbols as the *padishah*, *peace* and the *hermit (zahid)* gives the most complete picture of the role and artistic function of Sufi concepts in the poet's work.

Keywords: Alisher Navoi; lyrics; concepts of Sufism; *faqr*; Sufism and art Literature.

Кириш. Шарқ адабиётининг тасаввуф тушунчалари билан алоқадорлиги масаласи ҳам мамлакатимиз олимлари, ҳам хорижлик тадқиқотчилар томонидан нисбатан кенг ўрганилган. Агар бу жараён замонавий хориж адабиётшунослигида анча олдин бошланган бўлса, бизда бу тенденция кейинок, айтиш мумкинки, мустақиллик арафасида – анъанавий ғоявий-фалсафий маншаъларга қайтишга бўлган кучли эҳтиёж оқибатида ўзининг янги ривожланиш босқичига кирди. Шарқ адабиётида кенг бадий талқин қилинган ва тасаввуф адабиётининг ривожланишига асос бўлган тушунчалардан бири *фақр* тушунчасидир. Тасаввуфнинг баъзи дарғалари ҳатто фақрни умуман тасаввуфнинг ўзи шаклланиши учун асос бўлган тушунчалардан бири дийишган. Биз ушбу мақоламизда фақр концептининг Алишер Навоий ижодидаги бадий талқинларини ҳамда ушбу тушунчанинг шоир эстетик оламидаги бадий функциясини ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Асосий қисм. “Фақр” арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси қашшок, йўқсил демақдир. Бинобарин, араб, форс-тожик, ўзбек ва турк тилларининг изоҳли луғатларида фақр, асосан, моддий бойликка эгалик ёки эга эмаслик нуқтаи назаридан шарҳланиб, унинг камбағал, қашшок, ночор, муҳтож, йўқсил, фуқаро маъноларига эга эканлиги айtilган (12, 775; 21, 115; 23, 486; 24, 428; 26, 298). Фақрга қизиқишнинг кучайиши ва кенгайиб бориши кейинчалик унинг истилоҳий маъно-моҳият касб этиши билан боғлиқдир.

“Қуръони Карим”да банданинг яратувчи олдида йўқсил эканлиги ифодаланиб, фақр банданинг, бойлик эса яратувчинининг сифати эканлиги уқтирилган: “Эй инсонлар! Сизлар Оллоҳга муҳтождирсизлар. Оллоҳнинг ўзигина (барча одамлардан) беҳожат ва барча (мақтовга) лойиқ зотдир” (“Фотир” сураси, 15-оят) (27, 399).

Мухаммад пайғамбарга нисбат берилган *الفقر فخرى* – “Ал-фақру

фаҳри” (“Фақирлик — менинг фаҳримдир”) ҳадисида ҳам фақр “Қуръон”даги мазмунга ҳамоҳанг маъноларни ифодалайди. Унга қўра фақрнинг фаҳр эканлигига сабаб банданинг Оллоҳга муҳтожлигини билдириб, яратувчининг қудрати, бинобарин, улўғлигини ифодалашидир. Навоий қитъаларидан бирида буни:

*Поя мундин бийик ўлмаски, рисолат хатми,
Фақрнинг нисбатида фаҳрга қилди тасдиқ* (8, 513) —

дея ифодалайди. “Қуръон” ва Ҳадисдаги ушбу қараш кейинчалик тасаввуфдаги фақру фано мақоми учун тамал бўлган ва фақр шарият ва тариқатни ўзаро боғлаш учун хизмат қилган (14, 37–38).

Тасаввуф ва тасаввуф адабиётида фақрга катта аҳамият берилди ва у инсон маънавий камолотининг асосий мақомларидан бири дея қўрсатилди. Ҳужвирий Шайх Абу Саид Абулхайрининг “Фақр Оллоҳ ила ғаний бўлмоқдир”, деган қарашини келтираркан, буни “Бу гапдан мақсад Ҳақиқатни мушоҳада айлаш ва Ҳақ мушоҳадасида абадий кашфдир” (5, 26), дея изоҳлайди. Дарҳақиқат, “абадий кашф” тасаввуфда комил инсон тақдири ва камолоти билан боғлиқ муаммоларни ечишга хизмат қилган. Шунингдек, фақр мавзусига бағишланган фикрларга бошқа сўфийлар ижодида ҳам дуч келиш мумкин. Уларда ҳам фақр моҳиятан “абадий кашф”, бироқ ҳар бир сўфийда у ўзига хос кўринишда талкин этилган. Жумладан, Аҳмад Яссавий ҳикматларида у қуйидагича:

*Ишқ подшоҳ, ошиқ фақир дам уролмас,
Ҳақдин рухсат бўлмагунча сўзлай олмас* (25, 42).

Яссавий назарда тутган фақр ошиқнинг сифати бўлиб, бунда ишқ — подшо. Подшоҳ ҳузурида фуқаро сўзлай олмагани каби илоҳий ишқ салтанатида ошиқ ҳам эркин сўзлай олмайди. Сўзлаш учун эса Ҳақдан рухсат бўлмоғи шарт. Демак, ошиқ-фақирнинг иродаси Ҳақ иродаси олдида таслим, унинг айтадиган сўзлари Ҳақ рухсатига боғлиқ.

Шарқнинг бирор бир улкан шоири йўқ-ки, у фақр хусусида ёзмаган бўлсин. Шундай даҳо санъаткорлардан бири Жалолиддин Румийдир. Мавлоно Румий шеърларида фақр тушунчаси тасаввуфий тамойилда талкин қилиб берилган. Унингча, фақр шундай бир олий мақомдирки, унга етишга қўплар ҳаракат қилган, аммо бу жуда оз кишиларгагина насиб қилган:

*Ба роҳи фақр бисёре давиданд,
Ба манзилгаҳ вале камтар расиданд* (15, 149).

(Мазмуни: Фақрга қўплар интидилар, аммо асл мақсадга оз кишиларгина эришдилар).

Ушбу “манзилгоҳ”ни ишғол этган Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларидан фақр хусусида сўраганларида: “Биз нимаики топсак шундан (яъни фақрдан. — Н.Р.) топдик” (4, 54), дейишлари асоссиз эмасди. Баъзи адабиётларда эса Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаётий принципларига тўла амал қилиш мақсадида фақрни ўз таълимотининг асоси қилиб олганлиги қўрсатиб ўтилган (13, 214). Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, нақшбандийлик тариқатининг нуфузи ва таъсири туфайли форс-тожик адабиёти сингари туркий

халқлар адабиётида ҳам фақр масаласига эътибор янги босқичга кўтарилган эди. Икки улуғ санъаткор — Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий шеърляти ҳам ушбу даъвонинг ёрқин далили бўлиши мумкин. Бу шоирлар ижодида фақр фақат муҳим бир ғоя эмас, илҳомбахш образ даражасига юксалганди.

Навоий шеърлятида фақр масаласи бир қадар текширилган (1, 57–77; 18, 61; 19, 49–50; 20, 10–28; 28, 243; 29, 139; 30, 71–86), аммо у навоийшуносликда кенг кўламда ўрганилмаган.

“Ҳазойин ул-маоний”нинг 5 лирик жанрдаги 123 асар, жумладан, 113 ғазал, 3 рубоий, 4 қитъа, 1 мухаммас, 2 соқийномада фақрнинг бевосита бадиий тасвир ва талқинлари берилган.

Навоийнинг фикрига кўра, фақр бир қатор сифатларга эга бўлиб, уларсиз инсон камолотидан баҳс этиб бўлмайди. Ҳижронда ёнаётган ошиқнинг васлга эришиш йўли фақр орқали бўлиб, бунда у бошқаларга ўхшаб учмоғ (жаннат), томуғ (дўзах), сирот кўпригидан ўтиш ҳақида қайғурмайди. Унинг барча фикри-зикри васлга қаратилган:

Васлга йўл ҳажрдин фақр ўлди кўргил турфақим,

Бирдин учмоғдур хижил, бирдин томуғ, бирдин сирот (7, 231).

Бироқ Навоий фақр йўли машаққатли эканлиги, унда турли руҳий ҳолатлар, қийинчилик ва азоблар мавжудлиги, шу боис ҳам бу йўлга киришдан аввал бир “роҳшунос” — “йўлбошчи” лозимлигини таъкидлайди:

Ўз бошинг ила қўйма қадам фақр йўлига,

Топмағуча бу марҳаланинг роҳиуносин (8, 341).

Акс ҳолда ҳеч қандай натижага эришмаслик мумкин. Шу маънода бир фактга эътиборни қаратмоқчимиз. Навоий “Мажolis ун-нафоис” тазкирасида шоир Биноийнинг ўз мизожидagi кибрни йўқотиш учун фақр тариқини ихтиёр қилганлигини, бироқ пири ва муршиди бўлмаганлиги боис унинг кўзлаган мақсадига эриша олмаганини ёзади: “Аммо муъжиб ва мутасаввирлиғидин эл кўнглига мақбул бўлмади. Бу сифати салби учун фақр тариқин ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам тортти, чун при ва муршиди йўқ эрди, ўз бошича қилғон учун ҳеч фойда бермади” (6, 74).

Навоийнинг талқинига кўра, фақр йўлига кирган киши ўзлиги — ўз вужуди талаблари, асл мақсадга монелик қиладиган орзу-истак ва интилишлардан кечмоғи, озод бўлмоғи шарт. Чунки “мен”лик ҳақ йўлидаги парда — тўсиқдир:

Фақр водийсига кирган ташласун ўзлук юкин

Ким, қилур йўл қатъин осонроқ неча бўлғай енгил (8, 273).

Фақр ва нафс тарбияси, фақр воситаси ила нафсни поклаб, камолга етказиш масаласи ҳам Навоий лирикасида сезиларли ўрин тутади. Зеро, нафс талаблари кетидан эргашиш кишини хор этади, фақр талаблари асосида яшаш эса инсонни азизлик мартабасига кўтаради:

Нафс хор этмиш Навоийни азиз эт фақр бирла,

Эй жалолу раҳматингдин гар залилу гар муаззаз (8, 146).

Шунинг учун, дейди Навоий, фақир шоҳга эмас, шоҳ фақр аҳлига муҳтож:

*Фақр аҳлига подшо муҳтож,
Уйлаким, шоҳга гадо муҳтож* (7, 99).

Чунки шоҳ сипоҳ чекса ҳам фақр аҳлига ҳеч қандай зарар етмайди, аммо фақирнинг оҳидан шоҳнинг ҳашамати барбод бўлади:

*Шоҳ сипаҳ чекса, фақир аҳволига етмас футур,
Бу вале чеккач нафас, барбод ўлур ҳашият анга* (7, 31).

Тасаввуф вакилларида бири: “Соликни Оллоҳга восил этадиган йўллар кўкдаги юлдузларнинг сонидан ҳам кўп эди. Энди ўша йўллардан фақат фақр қолди, зотан йўлларнинг энг тўғриси ҳам шудир” (2, 445), — дейди. Демак, фақр йўли шунчалик тўғри йўл бўлганки, Ҳақ халкни “фақирлар воситасида кўриб, уларнинг ҳурмати ва барокатидан инсонларнинг ризкини оширган” (2, 440).

Фақирнинг Оллоҳ Таоло эътиборига мушарраф бўлишининг бош омилларидан бири — унинг мутлақ ҳолислик соҳиби эканлиги, ҳатто, Худога эҳтиёжмандликдан ҳам халос бўлганлигидирки, Навоийнинг лирик қаҳрамони айнан шундай қисматни орзу қилади:

*Эҳтиёжимни улустин уз, Худоё, фақр ила,
Уйла фақрим, анга бўлмас Худога эҳтиёж* (10, 71).

Нега Худога эҳтиёж бўлмайди? Чунки фақир учун Оллоҳни ташқаридан ахтаришга эҳтиёж қолмайди, яъни у Оллоҳ билан бирлашиш (фанофиллоҳ) ҳолига эришади.

Фақрнинг Навоий лирикаси ғоявий мотивлари билан алоқадорлигига диққат қиладиган бўлсак, унинг куйидаги образлар билан боғлиқликда талқин қилинганига гувоҳ бўламиз. Булар: 1) фақир ва подшоҳ; 2) фақир ва дунё; 3) фақир ва зоҳид қабиладир.

Алишер Навоий шоҳликни қандай тасаввур қилган? Унинг тасаввури (орзуси)даги шоҳ қандай хислатларга эга бўлиши керак эди?.. Навоий ҳақиқий шоҳ фақр сирридан огоҳ бўлишини шарт қилиб қўяди. Унингча, фақрдан огоҳ бўлмай туриб шоҳлик этишдан ҳеч бир натижа (ҳосил) чиқмайди. Чунки шоҳ қанча ўз салтанатини кенгайтирмасин, барибир у “бақо мулки”га подшоҳлик қила олмайди. Навоий асл боқий давлат, безавол мулк — Ҳақ васли эканлиги, унга эришишнинг йўли эса “фонийи маҳз бўлиш” эканлигини уқтиради:

*Шаҳлиг эткандин не ҳосил фақр сиррин билмайин,
Ҳеч ким мулки бақо султони бўлгонму экин?
Фонийи маҳз ўлмайин Султон Абулғозий бикин,
Эй Навоий, давлати боқий тиларсен васлидин
Они касб этмак фано бўлмай не имкон оқибат?* (7, 505).

Навоий идеалидаги шоҳ зоҳиран бутун жаҳонга эгалик қилиб турган бўлса-да, ботинда фақирлик ихтиёр этган ва қўл остида бўлган мол-дунёга кўнгилдан муҳаббат қўймаган подшоҳдир. Шоир *Фақр кўйида гадолиг чу эрур султонлиг* дер экан, подшоҳларни мажозий ва ҳақиқийларга ажратади. Унингча, ҳақиқий подшоҳ ўз нафсига табдил бериб (чеклаб), нафс аждаҳосини жиловлаган кишидир. Акс ҳолда нафс талаблари измига бўйсунган нафс аждаҳоси дунёни ғорат этиши тайин. Шу сабабли ҳам Навоий шоҳга мурожаат қилиб, унинг ҳақиқий душмани ўз нафси эканлигини ва аввало уни асир этиш лозимлигини

айтади:

*Бўлуб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд* (7, 111).

“Маҳбуб ул-кулуб”нинг “Одил салотин зикрида” деб номланган фаслида Навоий фақр шоҳнинг фазилати бўлиши лозимлигига эътиборни қаратади, ҳақиқий подшоҳ (Хусайн Бойқаро)ни таърифлаб ёзади:

*Улус подшоҳию дарवेशваши
Анга шоҳликдин келиб фақр хуш.
Жаҳондорларга сипеҳр интибоҳ
Вале аҳли фақр оллида хоки роҳ.
Жаҳон мулки олинда хошокча,
Вале бир кўнгул мулки афлокча* (11, 13).

Фақр воситасида жаҳон мулкини хошокча билмаган шоҳдагина инсон кўнглини *мулки афлок* билан тенг қўйиш хислати пайдо бўлади. Фақр диққатни мулкгирлик ва нафс дағдағаларидан кўнгил овлаш ва адолат, инсонпарварликка томон қаратади. Фақат фақр талабларидан хабардор шоҳгина кўнгилни муқаддас деб билишга мойил. Бу эса кўнгилга озор бермаслик ва кўнгил соҳибларига адолат қилишликни талаб этади.

Алишер Навоий лирикасида дунё образи ҳам алоҳида ўрин тутади. У инсоннинг маънавий камолотига монелик қиладиган тўсиқлар сирасига “даҳри дун”ни, яъни дунёни қўяди. Фақирлик воситасида комиллик сари интилган киши унга кўнгил бермаслиги керак, дейди у.

Улуғ мутафаккир қаноатича, доноликнинг белгиси бойликка майл кўргизишдан воз кечиб, фақрни касб этмоқликдир:

*Жаҳонда фақр касб эт, майл кўп қилма гино сари,
Ки, мундин оз этибдур орзу фарзона, андин кўп* (10, 52).

Дунёга кўнгил бериш ғафлатга — майда-чуйда ўткинчи ташвишлар билан ўралашиб қолишга олиб келади. Ҳақиқий маънавий хазина эса фақр орқали қўлга киритилади. Навоий бир ғазалида дунёни арус — ёш, гўзал келинга ўхшатиб шундай, дейди:

*Дунё аруси зулфини тутқан не оғаҳ фақрдин,
Ганж истамас улким, йилон тутмоқ била хурсанд эрур* (7, 126).

Байтдаги “дунё аруси” — инсон кўнгли, ақли, шуурини ўзига тортувчи, чорловчи барча моддий нарсаларнинг умумлашма тимсоли ҳисобланади. Дарҳақиқат, дунёнинг ёш бир гўзал зулфига монанд жозибали кўриниши кишини ўзига тартади. Байтдаги зулф (ўрилган соч) эса илонга қиёсланмоқда. Ғазалда дунё зулфини тутган киши асл маънавий ганждан, яъни фақрдан огоҳ эмас, балки уни дунё аруси зулфи гумон қилиб, аслида илон тутиш (дунёга билан машғуллик) билан овворадир дейилмоқда, бинобарин, дунё аруси зулфини тутган (дунёга дил берган) инсон илон тутишдек хавфли машғулот билан овора кишидир. Ҳақиқий ганж — хазина эса борлиқнинг ботини, моҳиятида яшириндир. Аммо унга етиб бориш учун унинг асл мақсад сари боришга тўсиқ бўлувчи зоҳирий белги ва хусусиятларидан холи

бўлиш керак. Хазина бор жойда илон-аждаҳо ин қурганидек, моҳияти илоҳий ирфондан иборат бўлган борлиқ ҳақиқати ҳам ташқи тўсиқлар билан ихоталанган. Ушбу тўсиқлардан ўтишда фақр асосий йўлдир.

Мол-давлат, сийму зар кўнгилдаги фақр торларини кесувчи — фақирлик ҳолини барбод этувчи нарсалар. Аммо дунё ва унинг моли ҳам миқдор, ҳам ҳудуд нуқтаи назаридан чегараланган. Чексизликка талпинган қалб фақат фақр давлатини ихтиёр этади, чунки бу давлат давомли, чексиз бўлиб, руҳ фақат фақрдагина дунёнинг тор чегараларидан қутилиши мумкин:

*Эй Навоий, давлати зоҳирни доим топмоғунг,
Фақр иқболидурур, улким давоми бор анинг* (8, 265).

Мол-дунё бугун бор, эртага йўқ. Унда муқимлик хислати мавжуд эмас. У доим ўзгарувчан, айланувчан. Бугун вафо қилса, эртага жафо қилади, бугун сенга кулиб бокса, эртага бошқага боқади. Бугун сенинг раъйинг билан равиш айласа, эртага унга терс. Дунёнинг бундай буқаламунлигидан ҳалос бўлиш, таъсирланмаслик, азият чекмасликнинг йўли эса фақрдадир.

Фақр ёрдамида дунё билан уни боғлаб турган тааллуқ ипларини узиш ошиқни чин саодат — Ҳақ васли томон етаклайди. Дунё билан вобаста (боғлиқ) бўлиш фақр йўлида оғир юк. Дунё билан боғланиш иплари, аввало, инсоннинг кўнглида бўлади. Шу сабабли ҳам лирик қаҳрамон ўз кўнглига мурожаат қилиб, тааллуқдан воз кечиш ва фақрга юзланишга даъват этади:

*Фақр йўлинда оғирроқ юк эрур вобасталиқ,
Эй кўнгул, тарки тааллуқ айлабон, ул сори бор* (9, 110).

Ривоятга кўра, афсонавий подшоҳ Жамшид файласуф-ҳакимларга буюриб, иккита жом — май ичадиган идиш ясаттирган. Улардан бири ичидаги май ичган сайин тугамайдиган жоми ишратфизой, иккинчиси майи ичилганда дунё воқеа-ҳодисалари ойнадай кўриниб турадиган жоми гитийнамоӣ. Жамшид ушбу жомлар воситасида дунёдан хабардор бўлган ва улар орқали подшоҳлар орасида энг юқори мартабани эгаллаган. Навоий фақрнинг синган сафолини Жоми Жамга ташбиҳ қилади, сен жону жаҳон нақдини, яъни қўлингдаги бутун молу дунёнингни бериб бўлса-да, фақр сафолини қўлга кирит, чунки бирор киши Жамшид жомини олаётганида савдолашиб ўтирмайди, яъни қўлидаги бор мол-мулкни бериб бўлса-да уни олади, дейди у:

*Сафоли фақр ол, жону жаҳон нақдин бериб, гарчи
Киши Жамшид жомин сотқин олмайду, баҳо айлаб* (9, 47).

Маълум бўладики, фақр сафолининг баҳоси жону жаҳон нақдидан ҳам қимматлироқдир. Нега? Чунки унга ваҳдат майидан асар теккан. Бундай ҳолатда эса:

*Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синган сафол,
Жом ўлур гитийнамо, Жамшид ани ичган гадо* (7, 25).

Юқоридаги мисолда Навоий фақр сафолини Жамшид жоми билан тенглаштирган бўлса, бошқа бир ўринда уни жоми Жамдан устун қўяди:

Жоми Жамнинг роҳи Афридун йилони захридур,

Эй кўнгул, ўзни сафоли фақр ила хурсанд қил (10, 262).

Яъни Жамшид жоми ичидаги май (роҳ) афсонавий Фаридун подшоҳ илонининг заҳаридан бошқа нарса эмас. Эй кўнгил, агар сен ҳақиқатда хурсанд бўлмоқ истасанг фақр сафоли билан илоҳий майдан ҳўпла (нўш айла).

Навоий талқинидаги фақр — эҳтиёжсизлик, маънавий-руҳий эркинлик, ҳурлик фалсафаси. Айни шу ҳолни назарда тутиб Алишер Навоий ёзган эди:

Эҳтиёжсимни улустин уз, Худоё, фақр ила,

Уйла фақрим, анга бўлмас худога эҳтиёж (10, 71).

Байтдаги “улус” — дунёнинг умумлашма образи, бинобарин, фақр шарофатидан дунё одамлари, дунёни ташкил қилиб турган борлиқдан эҳтиёжи узилган киши Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга муҳтож бўлмайди. Аммо лирик қаҳрамон юксалишда давом этиб, ҳатто, Худога ҳам эҳтиёжсизлик қисматини орзу қилади. Ушбу мақом ҳам фақр фазайдан бўлиб, бунинг учун фақрни охирига етказиш талаб этилади. Мукамал фақр эгасининг Худога эҳтиёжи қолмайди, чунки комил фақир Худо билан бирдир. Дунёга эҳтиёж сезмаслик ҳоли билан бошланган фақр худога — Ҳаққа бирикиш билан якун топади. Дунёдан эҳтиёжсизлик — фанои филлоҳ, Ҳаққа бирикиш эса — бақои биллоҳдир. Бақои биллоҳ мақомига эришган киши Ҳақ вужудида қойим бўлиб, бундай киши учун Аллоҳни ташқаридан излашга ҳожат қолмайди.

Шу ўринда эҳтиёжсизлик ҳолини чуқурроқ англаш учун баъзи манбаларга мурожаат қилишимизга тўғри келади. Кошоний ёзади: “Фақр мақомининг даражасини улуғлаб “Ал-фақир уло яҳтожу иллоҳ” (“Фақир ҳатто худога ҳам эҳтиёжманд эмас”) деганлар, чунки эҳтиёж муҳтожнинг сифати бўлиб, муҳтожнинг зотиға оиддир, фақирда эса на зот бор, на сифат. “Ал фақру фаҳри” ушбу маънога ишорат қилади. Бу шундай фақрим, бундай фақр эгаларини ҳар икки дунёда бир Худодан бошқа ҳеч ким танимади. Чунки Оллоҳ ғаюрдир ва ўзининг хос авлиёларини ағёр назаридан (беғона кўздан) яширади, ҳатто, ўша авлиёларнинг ўзларидан ҳам. Бундай фақр етук сўфийлар ва мунтаҳийлар (интиҳо, камолотга эришганлар) мақомидир, солиқлар мақоми эмас” (16, 378).

Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан “Ал-фақир уло яҳтожу илла-ллоҳи таъоло” (“Фақир Оллоҳдан ўзгага муҳтож бўлмайди”) дейилганининг маъноси сўралганида ул зот: “Яъни, унинг нарса сўрашга мутлақ эҳтиёжи йўқ”, — деб жавоб берган эканлар (16, 102). Ушбу эътирофда фақрдаги эҳтиёжсизлик ҳолиға ишорат этилган. Яна Баҳоуддин Нақшбанддан нақл қилишлариға: “Улардан сўрадилар: “Изо таммал-фақру фа-хуваллоҳу” (“Агар фақр тўлиқ бўлса, демак шу Оллоҳдир”) дегани нимадир?” Айтдилар: “Банданинг фано ва йўқликка етиши ва Ҳақ сифатлари ичида маҳв бўлишиға ишорадир” (16, 102). Демак, фақрнинг охириға етган одам Оллоҳға етган бўлади.

Муҳаммад Ҳусайний эса фақрни ўзликдан кечиб, носут, малакут ва жабарут оламларига эға бўлмоқдир, деға таърифлайди. Аммо “Изо

тамм ал-фақр” (фақрнинг ниҳояти, камолот нуқтаси) эса ушбу оламларни ҳам тарк этмоқдир. У ёзади: “Пас ҳар ки, эй маҳбуб, дар ин се мақом мутавааттин аст — фақр лозимаи ўст. Пас чун аз ин фақр берун ояд “Тамм ал-фақр” гардад” (22, 88^a). (Мазмуни: “Эй маҳбуб, ҳар ким ушбу уч мақом (носут, малакут, жабарут)да қойим бўлса, у фақирдир. Аммо уларни ҳам тарк этса “Тамм ал-фақр”га эришади”). Яъни носут, малакут, жабарут фақр ичидаги мақомлар, бироқ фақр камолоти ушбу мақомларни (бинобарин, фақрнинг ўзини ҳам) тарк этмоқлик, “тарки тарк”, яъни таркни ҳам тарк этмоқликдир.

Абдурахмон Жомий “Лавойих”да “Ал-фақру изо тамм хуваллоҳи”ни шарҳлаб ёзади:

Андо, ки фано шеваву фақр ойин аст,
На кашфу яқин, на маърифат, найи дин аст.

Рафт ў з-миён, ҳамин худо монд, худо

“Ал-фақру изо тамм хуваллоҳи” — ин аст (3, 20^b).

(Маъноси: Ул кишиким, мақсади фаною йўли фақрдир. (Матлаби) на кашфу яқин, на маърифат, на диндир. Буларнинг бари ўртадан кетди ва бир Худо қолди. “Фақрнинг охири – Оллоҳ” дегани ушбуди).

Ҳақиқий фақирлик кашф, яқин, маърифат сингари тушунчалардан-да аҳамиятлироқ, муҳимроқ моҳият — Ҳаққа диққатни жалб этиш эканлигини Жомийнинг шогирди Имод “Шарҳи “Лавойих” асарида изоҳлар экан, шундай ёзади: “Ҳар гоҳ, ки фано тамом шавад, ба ниҳоят расад мунтаҳий ба Ҳақ шавад. Ва мунтаҳий ва намояти он зоти Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бошад ва дар назари фоний ғайри важҳ боқий намонад” (17, 247^b). (Мазмуни: “Фанога етган (мунтаҳий) Ҳаққа эришади. Ўз борлигини Ҳақ зотида эритиб юборган мунтаҳийда Ҳақдан бошқа бирор нарса боқий қолмайди”). Бошқача айтганда, ўз борлиғи фаносига эришган фақир Ҳақ зоти воситасида бақога етишади.

Навоийнинг фақр йўлини тутган лирик қаҳрамони зухд, зоҳидлик, гўшанишинлик, дунёдан қочишни танқид қилади. Чунки намойишқорона зухддан риё ва макру ҳийла пайдо бўлади. Зухду риёдаги узоклик билан фақру фанодаги яқинликни аниқ фарқлаган лирик қаҳрамон фақру фано тупроғини афзал билади:

Зоҳидо, сен бўл риё авжи уза маснаднишин,

Ким, Навоийга эрур фақру фано туфроғи хўб (9, 40).

Навоий зоҳидни танқид қилар экан, уни ўз зухди қобиғида қолиб кетганликда, асл мақсадни зухдга алмашганликда, уни фақат гўшанишинликдан иборат деб билганликда айблайди. Унингча, фақир билан зоҳиднинг фарқи зоҳиднинг зухдни, фақирнинг эса фано (камолот ва Ҳақ васли)ни мақсад қилиб олганлигидир:

Бойси мақсуд зоҳид – зухд қилди, мен – фано,

Фақр иқболидин ул мушкулни осон айладим (9, 298).

Хулоса. Маълум бўладики, Навоий лирикасида фақр моҳиятга етиш, моҳият билан бўлиш, моҳият ила яшаш йўли. Бинобарин, фақир образи шоир лирикасида катта аҳамият касб этиб, у орқали муҳим ижтимоий-сиёсий, фалсафий, диний-тасаввуфий қарашлар

санъаткорлик билан илгари сурилган. Шоирнинг талқинига кўра, фақирнинг азизлигига сабаб унинг ташқи кўринишдан (зоҳиран) хорлик ва ички томондан (ботинан) нуқсондан ҳимояланганлигидир. Шу сабабли фақирнинг таши зоҳирий неъматларга ғарқ, сийрати эса ботиний файз манбаига айланади. Қалби руҳоний ҳиссиётларга тўлиғдир. Навоий наздида фақр инсонни дунё офатларидан асровчи мустаҳкам кўргон. Дунё ганжидан кўнгил ганжи томон юз буриш – маънавий такомил сари ташланган илк қадам. Дунё молига эга бўлиш ҳавасидан қайтиб, кўнгил асрори, қалб хазинаси неъматларидан баҳрамандликка интилиш — илоҳий ирфоннинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Бинобарин, шоир тушунчасига кўра фақр ирфоннинг илк шarti, маърифат остонасидир. Фақр асосий диққат-эътиборни аҳамиятсиз нарсалардан моҳиятга томон тортувчи восита бўлганлиги учун ҳам унга моҳиятбинлик фалсафаси сифатида қаралган. Чунки ҳақиқий фақирлик аслида наинки “дунёву мофиҳо” — дунё ва унинг ичидаги нарсалар, балки кашф, яқин, маърифат сингари тушунчалардан-да аҳамиятлироқ, муҳимроқ моҳият — Ҳаққа диққатни жалб этмоқдир.

Шоҳ ва фақир образлари ёнма-ён келган байтлардан шу нарса ойдинлашадики, шоир ушбу икки образни зидлантириш орқали фақр ва салтанатнинг моҳиятини очиб беради; ушбу образлар шеърда ўзаро муносабатга киришар экан, фақр ва шоҳликнинг асл моҳияти очила боради, унга кўра агар подшоҳ инсонлар томонидан бунёд этилган салтанат эгаси бўлса, фақир Оллоҳ салтанатининг эгасидир; шоҳлик (подшоҳ), дунё, зуҳд (зоҳид) каби образлар аксарият ҳолларда бевосита ва ёки билвосита фақир образи билан боғлиқликда талқин этилади, бу эса XV аср кишиларининг қадриятлари ҳақидаги тасаввурларни бойитади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуқодиров А. Навоий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. — Хўжанд, 1995. — 112 б.
2. Абдулкарим Қушайрий. Рисолаи Қушайрий. — Истанбул, 1991. — 192 б.
3. Абдурахмон Жомий. Лавойиҳ. ЎзРФАШИ. 503-III рақ. қўлёзма. — 16 в.
4. Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. — Тошкент, 1993. — 208 б.
5. Абулҳасан Али ибн Усмон Ҳужвирий. Кашф ул-махжуб. Форсча матн, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи В.А.Жуковский. — Л., 1926. — 672 б.
6. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Асарлар. 15 томли. 12-том. — Тошкент, 1966. — 176 б.
7. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томли. 3-том. — Тошкент, 1988. — 616 б.
8. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. МАТ. 20 томли. 4-том. — Тошкент, 1989. — 560 б.
9. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. МАТ. 20 томли.

- 5-том. — Тошкент, 1990. — 544 б.
10. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. МАТ. 20 томли. 6-том. — Тошкент, 1990. — 568 б.
11. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. МАТ. 20 томли. 14-том. — Тошкент, 1998. — 304 б.
12. Арабско-русский словарь. — М., 1957. — 944 с.
13. Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Избр. труды. Том 4. — М., 1965. — 496 с.
14. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Избр. труды. Том 3. — М., 1965. — 528 с.
15. Жалолоддин Румй. Девони кабир. — Душанбе, 1992. — 432 с.
16. Иззуддин Маҳмуд бин Али Кошоний. Мисбоҳ ул-ҳидоя ва мифтоҳ кифоя. Ба тасҳеҳи Жалолоддин Ҳумоий. — Техрон: Чопхонаи Мажлис, 1323. — 432 с.
17. Имод. Шарҳи “Лавойих”. ЎзРФАШИ. 890-IX рақамли қўлёзма. — 46 в.
18. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Тошкент, 1965. — 136 б.
19. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. — Тошкент, 1983. — 168 б.
20. Комилов Н. Икки ҳадис ораси / Жаҳон мулкининг нигоҳбони. — Бухоро, 1993. — Б. 9–27.
21. Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёс ул-луғот. 1-том. — Душанбе, 1988. — 384 с.
22. Муҳаммад Ҳусайний. Мактубот. ЎзРФАШИ. 9351-I рақамли қўлёзма. — 205 в.
23. Туркча сўзлик. — Анқара, 1988. — 656 б.
24. Фарҳанги забони тоҷикӣ. Том 2. — М., 1969. — 952 с.
25. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. — Тошкент, 1992. — 208 б.
26. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том. — М., 1981. — 576 б.
27. Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи А. Мансур. — Тошкент, 1992. — 544 б.
28. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. — Тошкент, 1961. — 296 б.
29. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. — Тошкент, 1993. — 216 б.
30. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. — Тошкент, 1991. — 184 б.

References

1. Abduqodirov A. *Navoi va vahdat ul-vuzhud ta'limoti* (Navoi and vahdat ul-vujud education), Khuzhand, 1995, 112 p.
2. Abdulkarim Qushairii. *Risoi Qushairii* (The treatise of Qushayri), Istanbul, 1991, 192 p.
3. Abdurahmon Zhomii. *Lavoih*, UzRFASHI, qulezma (Lavoy. ЎзРФАШИ. 503-III cancer. manuscript), No 503, 16 p.
4. Abulmuhsin Muhammad Boqir ibn Muhammad Ali. *Bahouddin Balogardon*, Tashkent, 1993, 208 p.
5. Abulhasan Ali ibn Usmon Huzhviri. *Kashf ul-mahzhub* (Discover ul-mahjub), Leningrad, 1926, 672 p.
6. Alisher Navoi. *Mazholis un-nafois* (Majolis un-nafois. Works), 15 vol.,

- Vol.12, Tashkent, 1966, 176 p.
7. Alisher Navoi. *Khazoiin ul-maonii. Qaroiib us-sig'ar*. MAT. 20 vol., Vol. 3, Tashkent, 1988, 616 p.
 8. Alisher Navoi. *Khazoiin ul-maonii. Navodir ush-shabob*. MAT. 20 vol., Vol. 4, Tashkent, 1989, 516 p.
 9. Alisher Navoi. *Khazoiin ul-maonii. Badoe" ul-vasat*. MAT. 20 vol., Vol. 5, Tashkent, 1990, 544 p.
 10. Alisher Navoi. *Khazoiin ul-maonii. Favoiid ul-kibar*. MAT. 20 vol., Vol. 6, Tashkent, 1990, 568 p.
 11. Alisher Navoi. *Mahbub ul-qulub. Munshaot. Vaqfiya*. MAT. 20 vol., Vol. 14, Tashkent, 1998, 304 p.
 12. *Arabsko-russkii slovar'* (Arabic-Russian dictionary), Moscow, 1957, 944 p.
 13. Bertel's E. E. *Navoi i Dzhami* (Navoi and Jami), Elected. proceedings. Volume 4, Moscow, 1965, 496 p.
 14. Bertel's E.E., *Sufizm i sufiiskaya literatura*, (Sufism and Sufi literature), Elected. Proceedings, volume 3, Moscow, 1965, 528 p.
 15. Zhaloliddin Rumi. *Devoni kabir*, Dushanbe, 1992, 432 p.
 16. Izzuddin Mahmud bin Ali Koshonii. *Misboh ul-hidoya va miftoh kifoya. Ba tashehi Zhaloliddin Humoi*, Tehron: Chopkhonai Mazhlis, 1323, 432 p.
 17. Imod. Sharhi "Lavoiih", *UzRFASHI, qo'lezma*, No 890, 46 p.
 18. Is'hoqov E. *Alisher Navoiining ilk lirikasi* (Alisher Navoi's first lyric), Tashkent, 1965, 136 p.
 19. Is'hoqov E., *Navoi poetikasi* (Navoi poetics), Tashkent, 1983, 168 p.
 20. Komilov N. *Ikki hadis orasi, Zhahon mulkining nigohboni* (Between the two hadiths, the gaze of the World property), Bukhara, 1993, pp. 9–27.
 21. Muhammad G'iesiddin. *G'ies ul-lug'ot*, vol. 1, Dushanbe, 1988, 384 p.
 22. Muhammad Husainii. *Maktubot. UzRFASHI, qo'lezma No 9351* (Letter, Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan), 205 p.
 23. *Turkcha suzlik* (Turkish vocabulary), Ankara, 1988, 656 p.
 24. *Farhangi zaboni tozhiki*, vol. 2, Moscow, 1969, 952 p.
 25. Khozha Ahm ad Yassavii. *Devoni hikmat*, Tashkent, 1992, 208 p.
 26. *Uzbek tilining izohli lug'ati*, vol. 2 (Explanatory Dictionary of the Uzbek language. Vol.2, Moscow, 1981, 576 p.
 27. Qur'oni Karim. *Tarzhima va izohlar muallifi A. Mansur*, Toshkent, 1992, 544 p.
 28. Haiitmetov A. *Navoi lirikasi* (Navoi poetics), Tashkent, 1961, 296 p.
 29. Haiitmetov A. *Navoiikhonlik suhbatlari* (Navoiy conversations), Tashkent, 1993. 216 p.
 30. Haqqul I. *Tasavvuf va she"riyat* (Mysticism and poetry), Tashkent, 1991, 184 p.